

ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИКАДА ИЖОД ВА ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТ МАСАЛАЛАРИ.

ТермДУ “Умумий педагогика” кафедраси кат.ўқ.Х.Норпўлатова

Республикамизда мустақиллик йилларининг дастлабки йиллариданок ҳар томонлама етук, баркамол, мустақил фикрлашга қодир, иродали, фидоий ва ташаббускор кадрларни тайёрлашга катта эътибор қаратилган эди. Ҳозирги даврга келиб иқтисодиётнинг барча соҳаларидаги каби таълим тизимида ҳам амалга оширилган ислохотлар ўзининг ижобий натижасини кўрсатмоқда. Таълим тизимини такомиллаштириш узлуксиз давом этмоқда.

“Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари асосида таълим олувчиларни маънавий етук ва жаҳон андозалари талабларига жавоб бера оладиган, мустақил билим олиш, ўрганиш ва ижодий ишлаш қобилиятига эга, келажақда касбий ва ҳаётий муаммоларни мустақил ҳал қиладиган юксак маънавиятли шахс қилиб тайёрлаш олий таълим тизимининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Бу вазифалар албатта педагоглар, мураббийлар, ота-оналар олдида юксак масъулиятни кўяди.

Президентимиз алоҳида таъкидлаганларидек, “Агар болалар эркин фикрлашга ўрганмаса берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига, мустақил фикрлаш эса катта бойликдир. Ўқитувчининг бош вазифаси таълим олувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатлигини яхши тушунамиз, лекин афсуски, амалда тажрибамизда унга риоя қилмаймиз”.

Замонавий ўқитувчи бўлиб етиши учун фақат назарий билим ва амалий кўникмага эга бўлишнинг ўзи етарли эмас, балки мустақил ва ижодий ишлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ижодий қобилият ривожланиш муаммоси таҳлили, кўпинча шу тушунчага йиғилиб борадиган мазмун, моҳият билан аниқланади. Жуда ҳам кўп ҳолларда онгимизда ижодий қобилиятлар бадиий фаолиятининг ҳар хил

турларини яъни чиройли чизиш, шеърлар тўқиш, мусиқа ёзиш ва ҳоказолар билан уйғунлашади.

Аслида, ижодий қобилиятнинг ўзи нима?

Маълумки, биз кўриб чиқаётган тушунча “ижод”, “ижодий фаолият” тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ.

Ижодий фаолият деганда биз инсоннинг шундай фаолиятини тушунамизки, унинг самараси ўлароқ хох бу ташқи дунё предмети бўлсин ёки дунё борлиқ ҳақидаги янгиликка олиб келувчи тафаккур тузилиши бўлсин ёки бутун борлиққа янги муносабат ҳисси бўлсин уларга оид янги бир нарсаяратилади.

Агар қайси жабҳада бўлмасин инсон ҳатти-ҳаракати ва фаолиятини диққат билан кўриб чиқсак, унда унинг асосий турини кўришимиз мумкин. Инсоннинг баъзи бир ҳаракатларини репродуктив ва ишлаб чиқилган ёки дастурлаштирилган деб аташ мумкин. Фаолиятининг бу тури бизнинг хотираларимиз билан узвий боғлиқ ва унинг мазмун моҳияти шу билан боғлиқки, инсон олдин мавжуд бўлган ҳатти-ҳаракатларни такрорлайди. Инсон ҳатти-ҳаракатида репродуктив фаолиятдан ташқари ижодий фаолият ҳам мавжуд, унинг самараси ўлароқ ўтмишдаги тасаввур ва ҳаракат малакаларининг ишлатилиши эмас, балки янги образ ва ҳаракатлар пайдо бўлиши кузатилади.

У.Содиқов фикрича, замон талабига мос мутахассис тайёрлаш учун фақат билим бериш билан чегараланмасдан, таълим олувчиларга ҳар бир масалага ижодий ёндашишни ўргатиш керак. Таълим олувчиларнинг ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш уларнинг қизиқиши, ҳаваскорлиги билан боғлиқ.

Таълимга ижодий ёндашув – шахсга йўналтирилган ўқитишни тўла амалга оширишга имконият яратади.

Хорижий педагоглар ва психологлар: Д.Гилрорд, Е.Торранс, Л.Термен, Р.Стернберг, М.Воллах, Россиялик олимлар В.Дашлова, П.Гальперин, В.Калныкова, Д.Богоявленский, Т.Куликова ва бошқалар томонидан ижодий

фикрлаш назарий жиҳатдан асосланган бўлсада, бугунги кунда ижодий фаолиятни ривожлантириш методикаларини ишлаб чиқишда йўналтирилган тадқиқотлар давом этмоқда.

Д.Б.Богоявленская фикрича ижодий иш - муаммоли вазиятни ҳал қилишга қаратилган фаолиятдир. Ижодий фаоллик деганда ходисалар, жараёнлар, объектлар аҳамиятини тушунган ҳолда, қийинчиликларни ёки муаммони енгиллаштиришга интилиш тушунилади. Яъни шахснинг касбий фаолияти бўйича янги ечимларни излаш ва топиш ҳамда натижаларидан қониқиш тушунилади .

Ижодий фаолликни шакллантириш ва ривожлантириш – босқичма-босқич ҳал қилинадиган муаммодир. Шахс фаоллиги турли, яъни ўқув илмий ишлаб чиқариш, ижодий фаолиятлар таъсирида шаклланади ва ривожлантирилади.

Психолог олим С.Л.Рубинштейннинг фикрича, ижодий фаолият жараёнида кишида аста-секин ишнинг қайси жойини, нимани ўзгартириш, яхшилаш, такомиллаштириш масаласини ўйлаш тамойили вужудга келади. Натижада мавжуд билимларни таққослаш, кузатиш ва ижод жараёнида келиб чиқадиган вазифаларга мувофиқлаштириш, мўлжалланган ечим умумий тузилишини фикран тасаввур этиш зарурати туғилади.

Шундай қилиб, умумий ҳолда ижодий қобилият талқини қуйидагича кўринади. Ижодий қобилиятлар – бу турли ижодий фаолиятнинг самараси бажарилганлигини аниқлайдиган инсоннинг индивидуал характерли хусусиятидир. Инсоннинг ҳар қандай фаолиятида ижодий элемент мавжуд бўлганидек, фақатгина бадиий ижодий иқтидор ҳақидагина эмас, балки табиий илмий иқтидор, техник ижодий иқтидор ва бошқалар ҳақида ҳам гапириб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.